# Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларга дори-дармон ва тиббий воситаларни етказиб бериш тўғрисида
# Ш А Р Т Н О М А № 20/3

**Қарши ш.** **« 15 » январ 2022 й.**

**«Қашқадарё Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти** (кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади) номидан узининг Низоми асосида иш юритувчи жамият директори **Н.Я.Хусанов** бир томондан ва **Вилоят кон хизмати маркази** (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан Ўзининг Низоми (устави, ишончнома) асосида иш юритувчи М.Нуриев (вазифаси, фамилияси, исми) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МОҲИЯТИ.

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни бир маротабали ёки йиллик талабномаси асосида дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш, «Истеъмолчи» олган маҳсулот қийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб-рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.
1.2.Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий баҳоси 482004 (__________) сўмни ташкил этади. Етказиб берилган дори-дармонлар ва тиббий воситалар бўйича ҳисоб-китоблар мазкур шартноманинг графиги асосида бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилги харажатлар сметасидаги лимитлардан ошмаган ҳолда тўланади.

## 2. МАҲСУЛОТ СИФАТИ.

2.1. «Истеъмолчи»га ЎзРда фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 50% дан кам бўлмаган дори-дармонлар ва тиббий маҳсулотлар етказиб берилади.

## 3. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. Шартномага илова қилинадиган дори-дармон воситаларини етказиб бериш 2022 йил __________гача амалга оширилади.Шартномада кўрсатилан сумма спецификация оркали амалга оширилади.
3.2.Гиёҳванд, прекурсорлар, заҳарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томонидан тегишли ҳуқуқий органлар томонидан махсус рухсатномалар билан «Таъминотчи»нинг омборхонасидан олиб кетилади.

## 4. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 482004 сўмни ташкил этади.
4.2. Сотиб олинадиган дори-дармон учун олдиндан тўлов миқдори __________ сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 % фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг __________ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса ________ сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 % фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 30 кун ичида,яъни 2022 йил ________________гача амалга оширилади.
4.3. Тўлов шакли накд пулсиз, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1.Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мулкий жавобгардирлар.
5.2.Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истеъмолчи» маҳсулотнинг тўланмаган қийматини бир ойдан кечиктириб тўлашга йўл қўйса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида жавоб беради.
5.3.Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда «Таъминотчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
6.2.Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жавобгар жойлашган ҳудуднинг иктисодий суди орқали ҳал қилинади.
6.3.Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошка барча масалаларни тарафлар ЎзР Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.,

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

7.1. Енгиб булмас куч оқибатида шартнома шартлари бажарилмай қолган холда (форс-мажор) томонлар жавобгарликдан озод этиладилар, бу ҳолатни амалда мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралдаги №63-сонли «Енгиб булмас куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқловчи механизмни амалга киритиш ҳақидаги» қарорига асосан белгиланади.

## 8. ХУЛОСА ТАЛАБЛАРИ.

8.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ тегишли тартибда Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича уз мажбуриятларини тўлик бажариши учун асос ҳисобланиб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.

8.3. Моддаларни кўрсатувчи сўз боши шартнома матнини ишлатишда қулайлик яратиш учун қўйилган ва булар шартномани бошқача талқин қилишга асос бўлмайди.

8.4. Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини акс эттирган.

8.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Таъминотчи» | «Истеъмолчи» |
| --- | --- |
| “Қашқадарё Дори-Дармон” МЧЖ<br>(ижрочининг номи) | Вилоят кон хизмати маркази<br>(бюджет маблағларини олувчи номи) |
| Манзили Қарши шахри Насаф кўчаси 25 уй<br>тел\факс 223-45-88<br>х\р 20208000500305412001<br>Банк номи АТ Алоқабанк Қашқадарё филиали<br>МФО 00990 ИНН 200668420<br>ОКЭД 46460<br>Электрон манзил: qarshidd@yandex.ru | Манзили Қ-ш 3 мкр-2<br>тел\факс 221-81-57<br>ш\хв 401421860104017072302054001<br>СТИР 201688364 ОКЭД 86500<br>Ўзб. Респ. Молия Вазирлиги Газначилиги<br>Газна Х/р 23402000300100001010<br>Банк номи Тошкент шахар Марказий банк ХККМ<br>МФО 00014 ОКЭД 86100<br>Газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919 |
| Директор ________ Н.Я.Ҳусанов<br>М.Ў | Раҳбар ________ М. Нуриев<br>М.Ў |

**ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

Мен, «Қашқадарё Дори-Дармон» МЧЖ ҳуқуқшуноси **Д.Жонкуватов** мазкур шартнома лойиҳасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун асосида белгиланганлигини

**АНИҚЛАДИМ.**

Юкоридагиларга асосланган холда шартнома лойихасини конун доирасида тузилган,- деб хисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

Хукукшунос ________ Д.Жонкуватов
Имзо

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЮРИСТ
ТАНГРИЕВ БАХОДИР МЕНГЛИЕВИЧ
ЮК № 003626
РАҚАМЛИ ГУВОҲНОМА
ТУЗИЛАДИГАН ХЎЖАЛИК, МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА БЕРИЛАДИГАН ЮРИДИК ХУЛОСАЛАР УЧУН
Юрисконсульт ________ Тангриев Б.М.

# *Спецификация*

| Сотувчи: "Кашкадарё Дори-дармон" МЧЖ<br>Х/Р 20208000500305412001<br>Банк: АТ Алокабанк Кашкадарё филиали<br>ИНН 200668420<br>МФО 00990<br>ОКЭД 46460<br>Тел:75-223-45-88 | Харидор: Вилоят кон хизмати маркази<br>Ш.Х/Р: 401421860104017072302034001<br>ИНН: 20067597<br>МФО : 00014<br>ОКЭД. 86900<br>УзР Молия вазирлиги Ягона хисобвараги<br>Х/Р: 23402000300100001010<br>МФО : 00014 Банк Марк банк Тошкент шахри<br>ИНН 201122919 |
|---|---|

____ 2022 йилда тузилган №20/3- сонли шартномага мувофик "Кашкадарё Дори-дармон" МЧЖ ва Вилоят кон хизмати маркази дори-дармонлар олиш тугрисида.

| № | Дориларнинг номи | У/Б | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ВАТА МЕД ГИГРОС Н/С 250Г | упак | 54,00 | 8 926,00 | 482004,00 |
| | **ЖАМИ** | | | | **482 004,00** |

**Сотувчи:**
**"Кашкадарё Дори-дармон" МЧЖ**
______________ Н.Я.Хусанов

**Харидор:**
**Вилоят кон хизмати маркази**
______________

**Вилоят кон хизмати маркази**
*Бош врачи:* М.Нуриев *га*

# ***Тижорат таклифи***

"Кашкадарё Дори-дармон" МЧЖ Сизга дори-дармонлар махсулотлари харид килиш таклифи билан мурожаат килади.

| № | Дориларнинг номи | У/Б | Микдори | Нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | ВАТА МЕД ГИГРОС Н/С 250Г | упак | 1,00 | 8 926,00 |

**Сотувчи: "Кашкадарё Дори-дармон" МЧЖ**
Директор______________ Н.Я.Хусанов